

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 10 апрель • № 14 (1035)

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ

## 2015 ЙИЛ 29 МАРТ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 35, 36-моддалари, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларидан олинган овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомалар асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳақиқий ва бўлиб ўтган деб топилсин.

2. **Ислон Абдуғаниевич Каримов** Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 6 апрель.

**М. АБДУСАЛОМОВ.**

## «ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

шиори остидаги навбатдаги йирик ижтимоий акция  
мамлакатимизда 2015 йилнинг 13 апрелидан бошланади

Маълумки, бир неча йиллардан буён аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида республика соғлиқни сақлаш тизимида кенг аудиторияда ўтказиб келинаётган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остидаги ижтимоий акция йилдан-йилга ўз нуфузига эга бўлиб бормоқда. Жорий йилининг Президентимиз томонидан "Кексаларни эъозлаш йили" деб номланиши ҳам юртимизда истиқомат қилаётган онахону отахонларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин намунасидир. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 мартдаги "Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши мамлакатимиздаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганлигини тасдиқловчи муҳим ҳужжатдир. Мамлакатимизда жорий йилда умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида кенг нишонланади.

Давлатимиз раҳбарининг фармойиши ижросини амалга ошириш мақсадида умумхалқ байрамга ҳамоҳанг тарзда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 3 апрелдаги буйруғига асосан, жорий йилнинг 13 апрель кунидан бошлаб юртимиз миқёсида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, кўп тармоқли ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, клиникалар, илмий-тадқиқот институтларида даволаниш учун имтиёзли ордерлар ажратиш, доимий кўмаклашиш, жумладан, уйда тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт ходимларини бириктириш ишларига катта эътибор қаратилади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ тадбирга пойтахтимиздаги етакчи клиникаларнинг оқори малакали мутахассислари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртлири ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари, Тош-

кент врачлар малакасини ошириш институти кафедраларининг профессор-ўқитувчилари тўлиқ жалб қилинади. Шунингдек, фахрийларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун зарур доридармонлар ва тиббий буюмлар солинган махсус қутичалар, амбулатория шароитида даволанишда шифокорлар кўрсатмаси бўйича дори воситалари билан бепул таъминланиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, фахрийларимиз тинч ва осуда ҳаёт кечиришлари учун зарур шароитлар яратиб бераётган давлатимиз томонидан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эътибор ва гамхўрлик кўрсатиш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остидаги навбатдаги ижтимоий акция ҳам фахрийларимизнинг саломатлигини муҳофаза қилишдек эзгу ишларга қаратилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

### Конференция

## НАУЧНЫЙ ПРОЕКТ МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ НА ИНОСТРАННОМ ЯЗЫКЕ

*"Здоровое развитие на благо будущих поколений" – стал основным девизом IV научно – практической конференции "Актуальные вопросы медицины", которая прошла 9 апреля 2015 года в отеле "International", в зале "Амира Темура". Организатором данного проекта выступила Ташкентская медицинская академия (ТМА).*

Ташкентская медицинская академия ежегодно в апреле месяце проводит конференцию "Актуальные вопросы медицины", которая вызывает живой интерес у молодых ученых, ведь основной целью проведения данной конференции является выявление одаренной молодежи в области медицины, поддержание их новых идей и проектов, и самое главное, дает возможность начинающим ученым самостоятельно представить результаты своих научных исследований, получить опыт выступления перед аудиторией и публично об-



суждения научных результатов. К участию в конференции были приглашены студенты, магистры и молодые ученые в возрасте до 35 лет. Официальным языком конференции традиционно стал

английский. И это не случайно, ведь Постановление Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 года № ПП-1875 "О мерах по дальнейшему совер-

шенствованию системы изучения иностранных языков", а также преподаванию в высших учебных заведениях отдельных специальных предметов на английском языке дают свои результаты.



Шухрат Боймуродов, являющийся проректором ТМА по научной работе выступил с приветственной речью и объявил данную конференцию открытой. Глава представительства ВОЗ в республике Узбекистан Доктор Асмус Хаммерих подчеркнул, что

поддержка талантливой молодежи является одним из приоритетных направлений работы данной конференции и служит стимулом для студентов и молодых ученых к продолжению своих научных изысканий  
**(Окончание на 8-стр.)**



## Всемирный день здоровья

## БЕЗОПАСНОСТЬ НА НАШЕМ СТОЛЕ

**Еду наравне с воздухом и водой без преувеличения можно назвать одним из "трех китов" нашего существования. Широкий ассортимент продуктов открывает сегодня перед покупателем большие возможности выбора. Но, есть и обратная сторона медали. Некачественная или высокотоксичная продукция может привести к различного рода болезням пищевого происхождения – от диарей до онкологических заболеваний. Обсуждению вопросов безопасности пищевых продуктов была посвящена пресс-конференция, состоявшаяся в рамках празднования Всемирного дня здоровья в столице.**

международном уровне. Кроме того, очень важно, чтобы в системе обеспечения пищевой продукции было тесное взаимодействие всех участников производства, контроля и потребления. В этом направлении достигнуто межсекторальное сотрудничество с агентством "Узстандарт" и Ассоциацией предприятий пищевой продукции. Основными направлениями деятельности в вопросах безопасности пищевой продукции является создание законодательства по вопросу ГМП, нормы внесения пищевых добавок в продукты питания, снижение содержания соли, сахара и транс-жиров в продуктах питания массового потребления, снижение распространенности заболеваний, связанных с питанием и загрязненными продуктами.

Немаловажную роль в вопросах пищевой безопасности играет и уровень информированности населения о принципах пищевой гигиены, подчеркнул **Глава представительства ВОЗ в Узбекистане Доктор Асмус Хаммерих**. Он также рассказал

изводства продуктов животноводства приводят к более частому появлению и распространению зоонозных инфекций.

– Доктор Асмус Хаммер совершенно верно отметил тот факт, что всем нам необходимо повышать свои знания в области пищевой гигиены, – **поделилась с нами директором Республиканского института здоровья и**

пациенты будут направляться на консультацию и лечение к узким специалистам.

– Действительно, люди пожилого возраста, школьники и дошкольники становятся главной мишенью для различных вирусов и инфекций ввиду ослабленного в первом случае и несформированности во втором, иммунитета, – **рас-**



Тема встречи выбрана не случайно. Употребление в пищу зараженных продуктов может привести к очень тяжелым последствиям, таким как почечная или печеночная недостаточность, нарушение мозговой деятельности и неврологические расстройства, реактивный артрит, рак, септицемия и даже смерть. Болезни пищевого происхождения носят обычно инфекционный или токсический характер и вызываются бактериями, вирусами, грибами, прionoнами (особый класс инфекционных агентов, представленных белками с аномальной третичной структурой и не содержащих нуклеиновых кислот), паразитами или химическими веществами, которые попадают в организм с зараженной пищей и водой.

Острая пищевая инфекция, которую часто называют пищевым отравлением, обычно возникает вследствие употребления в пищу продуктов, зараженных бактериями, такими как Salmonella, Campylobacter, Clostridium perfringens, Staphylococcus aureus, Bacillus cereus или Escherichia coli, либо вирусами, такими как норовирус.

Решить вопросы пищевой безопасности, которая лежит в основе продовольственной безопасности страны, можно только объединив усилия, путем сотрудничества между различными секторами общества. Важным шагом в этом направлении стало участие в конференции, организованной Министерством здравоохранения Республики Узбекистан при технической поддержке Представительства Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) в Узбекистане и агентств ООН, представителей министерств народного образования, сельского и водного хозяйства.

В приветственной речи заместитель министра здравоохранения республики Узбекистан Саидмурод Саидалиев отметил, что в нашей республике для обеспечения безопасности пищевых продуктов имеется соответствующая норма-

тивно-законодательная база и система. Министерство здравоохранения является основным органом в системе контроля качества и безопасности пищевых продуктов в нашей стране.

**Об этом рассказала нам в интервью и главный специалист Главного управления Санитарно-эпидемиологической службы Минздрава Наталья Шарипова:**

– Доступ к безопасному и здоровому многообразию пищевых продуктов является одним из основных прав человека. В республике имеется полноценная законодательная база в области обеспечения безопасности пищевой продукции, начиная с концепции национальной безопасности страны, принятой Олий Мажлисом 29 августа 1997 года, где безопасность пищевых продуктов признана вопросом Государственной безопасности, а также Законами Республики Узбекистан "Об охране здоровья граждан", "О государственном санитарном надзоре", "О качестве и безопасности пищевой продукции", "О защите прав потребителей", "О техническом регулировании" и другие. Разумеется, безопасность пищевых продуктов не может быть гарантирована лишь на национальной основе. Стандарты гигиены пищевых продуктов, принятые в одной стране, неизбежно касаются населения других стран, что объясняется ростом международных перевозок, экспортом и импортом пищевых продуктов. В данном направлении мы сотрудничаем с такими международными организациями, как ВОЗ, Координационный комитет ООН по сельскому и водному хозяйству и пищевым продуктам ФАО, Комиссией "Кодекса Алиментариус" и другими. Таким образом, будет улучшена координация по различным проблемам питания, обсуждаемым на



о проблемах, возникающих в современном мире, связанных с использованием небезопасных продуктов:

– Ежегодно в рамках празднования Всемирного дня здоровья, являющегося одновременно и днем рождения ВОЗ, мы обсуждаем наиболее актуальные темы, касающиеся здоровья людей, – отметил он. – Цель продовольственного снабжения стала более длинной и сложной, чем когда-либо ранее, а демографические, культурные, экономические и экологические изменения (такие как глобализация международной торговли, поездки и миграция, новые технологии, изменение климата и многое другое) приводят к увеличению рисков для здоровья населения, связанных с пищевыми продуктами. Так, к примеру, одного источника инфекции может быть достаточно, чтобы болезнь широко распространилась и привела к значительным последствиям для здоровья населения и экономики многих стран. Вспышка инфекции, вызванной энтерогеморрагической кишечной палочкой в Германии и Франции в 2011 году, причиной которой стало употребление в пищу импортированных зараженных семян пажитника, привела к почти 4000 случаев инфекции ЭГКП в 16 странах, включая 908 случаев гемолитико-уремического синдрома и 55 случаев летального исхода. Кроме того, изменения в процессе про-

медицинской статистики **Зулхумор Муталова**. – Существует пять основных принципов, позволяющих значительно повысить безопасность пищевых продуктов. Это – соблюдение чистоты (необходимо часто мыть руки, дезинфицировать любые поверхности и кухонные принадлежности, используемые в процессе приготовления пищи, предохранять кухню и продукты от насекомых, грызунов и других животных). Также стоит отделять сырые продукты и подвергшиеся термической обработке, то есть для их обработки пользоваться разными кухонными приборами, хранить продукты в закрытой посуде. Продукты следует выбирать только свежие, подвергать их, если это необходимо, тщательной тепловой обработке, хранить их при безопасной температуре, а также использовать безопасную воду. Роль этих простых правил в защите от различного рода вирусов и инфекций, передающихся через пищу, неопределима. Ведь на сегодня известно более 200 инфекций, передающихся через пищевые продукты. Причем, наиболее подверженными им оказываются дети и люди пожилого возраста. Поэтому, с прошлого года в республике детям в возрасте 2 месяцев начали делать прививку от ротавирусной инфекции. В этом году пристальное внимание будем уделять людям пожилого возраста. Планируется подготовка издательского материала по правильному питанию для пожилых людей и повышению их физической активности. Также планируется охватить углубленным медосмотром людей пожилого возраста по всей республике. Первичный осмотр будет проводиться в районных семейных поликлиниках, а затем, в зависимости от заболевания,

сказала профессор кафедры гигиены питания ТМА **Гули Шайхова**. – Вот почему столь важна своевременная профилактика пищевых отравлений, которая должна стать основной задачей каждой семьи и общества в целом. Особенно пристальное внимание пищевой безопасности стоит уделять в весенне-летний период, так как пищевые отравления носят сезонный характер и связаны с температурным режимом. Отдельная тема – пищевые добавки, которые на сегодняшний день присутствуют практически во всех продуктах. Наибольшую опасность представляют ГМО, содержание которых не допустимо в пище. Соблюдение всех нормативно-правовых актов в этой сфере, а также личная ответственность каждого из нас за свое здоровье поможет сократить до минимума болезни, передающиеся через пищевые продукты.

На пресс-конференции с докладами по безопасности пищевых продуктов и мерах, принимаемых в этой сфере выступили также представители министерств сельского и водного хозяйства, народного образования. В своих выступлениях они отметили, что в целях повышения безопасности продуктов идет работа по сокращению использования пестицидов для выращивания плодово-овощной продукции, в лабораториях разводят насекомых по борьбе с вредителями растений. Говорилось также о привитии подросткам культуры питания, проведении внеклассных уроков здоровья, а главное, усилении госконтроля за соблюдением санитарных норм в учреждениях общественного питания и пищевой промышленности. **В целом все вышеперечисленные меры будут содействовать устойчивому развитию государства и обеспечивать доступ всех слоев населения к полезной и безопасной пище.**

**Оксана КАДЫШЕВА.**  
**Фото Жасура ЖАЛИЛОВА.**





«Salomatlik-3»

loyihasi №1

Проект

«Здоровье-3»

## ЮРТИМИЗНИНГ ЧЕККА ХУДУДЛАРИДА РАҚАМЛИ РЕНТГЕН АППАРАТЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлган инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги борасида республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий ишлар бугунга келиб ўз самарасини бераётганлигини юртимизнинг чекка ҳудудларидаги тиббиёт муассасалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда айтиш муҳимки, **Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида қарийб уч йилдан буён давом этаётган мақсадли фаолиятлар босқичма-босқич амалга оширилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати янада такомиллашмоқда. Мазкур ҳамкорлик асосан тиббиётнинг бирламчи бўғинига қаратилган бўлиб, аввало, туман тиббиёт бирлашмалари ва унинг айрим бўлимлари, шунингдек, туман кўп тармоқли марказий ҳамда оилавий поликлиникаларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашдан иборат эди. Бунинг баробарида 2009 йилдан буён ҳукуватимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимида ажратилган маблағлар асосида Инвестиция дастурининг иш бошлагани аҳоли учун янги қулайликлар туғдирди.**

Чунки, туман тиббиёт бирлашмалари ва унинг бўлимлари, кўп тармоқли марказий поликлиникалар оптимизация қилинди. Шунингдек, Инвестиция дастури бўйича кўплаб шифо масканлари янгидан бунёд этилиб, айримлари капитал таъмирдан чиқарилди. Шу жараёнда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида келтирилади энг сўнгги русумдаги рақамли рентген ва УТД аппаратлари ҳамда бир қанча тиббий асбоб-ускуналар учун алоҳида хоналар ажратилиши, улардан оқилана фойдаланиш учун меъёрий қоидаларга риоя қилиш кўзда тутилган эди. Мазкур жараёнларни босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги фаолиятлар тахририятимиз ходимлари томонидан жойларда ўрганилиб, газета саҳифаларида ёритиб келинаёпти. Лойиҳа доирасида туман тиббиёт бирлашмалари ва бўлимлари, туман кўп тармоқли марказий ҳамда оилавий поликлиникаларга берилиши режалаштирилган аппаратуралар ҳамда тиббий асбоб-ускуналарнинг деярли барчаси бугунги кунда аҳоли хизматида. Улар ичида энг сўнгги русумдаги рақамли рентген ҳамда УТД аппаратларининг тезкор, сифатли ва тўғри ташхис қўя олиши алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, рақамли рентген аппаратлари (RADSpeed MF ва Flexavision SF) республикамиз микёсидаги туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда туман кўп тармоқли поликлиникаларига амбулатор ва стационар хизмат кўрсатиш учун тақдим этилди. Шу сабабли бу аппаратлар келтирилгунга қадар улар учун ажратилган хоналар фирма талабларига мос равишда тайёрланди ва рентген аппаратлари ўз манзилларига етказилди. Айни кунда айрим ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларига ушбу аппаратлар мутахассислар томо-



нидан ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Таъкидлаш муҳимки, бундай ноёб, қимматбаҳо аппаратни ишлатиш, ундан оқилана фойдаланиш соҳа мутахассисидан билим, тажриба ва маҳорат талаб этади. Бунинг учун ушбу йўналишдаги врач-рентгенолог, лаборант-рентгенолог албатта, янги аппаратни бошқариш, ундан фойдаланишни мукамал билиши зарур, чунки унинг ўзига хос талаблари мавжуд. Буларнинг барчасини инobatга олган мутасадди раҳбарлар Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармасидаги бош рентгенологларнинг малакасини Республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий маркази қошидаги ўқув курсида оширдилар. Улардан тренерлар тайёрланиб, ҳудудлар кесимида ўқув марказлари ташкил қилинди, жойлардаги маҳаллий врач-рентгенолог ҳамда лаборант-рентгенологларнинг назарий ва амалий билимлари бойитилмоқда.

Тахририятимиз ходимлари жорий йилнинг 3 апрель куни юқорида тилга олиб ўтилган Андижон вилоятининг Избоскан, Олтинкўл ва Балиқчи туман тиббиёт бирлашмалари, туман кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида фаолият

### Андижон вилояти



ниши, ҳудуддаги табиат манзарасининг гўзаллиги ва ободонлаштириш ишлари кайфиятимизни кўтарди. Буларнинг барчаси Инвестиция дастури асосида амалга оширилган бўлиб, вилоят аҳли саломатлигини муҳофа-

ви. Стационарга мўлжалланган) иш жараёнларини кузатдик ва мутахассисларни суҳбатга тортидик.

**Абдужаббор НАСРИДДИНОВ,**  
Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош рентгенологи:

– Тиббиёт соҳасидаги ҳар бир йўналишнинг ўзига хос масъулияти ва қийинчилиги бор. Айниқса, рентгенологияда фаолият юритаётган мутахассислар саломатлигини текширтиришга келган ҳар бир фуқаро мазкур йўналиш бўйича чуқур маълумотга эга бўлиши фойдадан ҳоли эмас. Чунки, унинг меъёрий қоидалари бўлиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилишда бош мезон ҳисобланади. Сўнгги йилларда радиология соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Бежизга XXI аср – технология асри, деб аталмайди. Ҳозир бирорта соҳани техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Барча соҳалар каби тиббиёт тизимида ҳам тезкор технологиялар кириб келатганлиги, аввало, соҳа мутахассиси ундан бохабар бўлишини талаб этади.

Юртимиз шифо масканларига радиология йўналишида кўплаб аппаратуралар кириб келди. Жумладан, **Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси** томонидан вилоятимизнинг Избоскан, Бўз, Балиқчи ва Олтинкўл туман тиббиёт муассасаларига икки донадан, шунингдек, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига бир дона рақамли



бошлаган рентген ва УЗД аппаратларидан фойдаланиш, шунингдек, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошидаги ўқув марказида малака ошираётган тингловчилар, врач-рентгенолог, лаборант-рентгенолог ҳамда аҳоли билан суҳбатда бўлишди.

Биз аввало, Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси фаолияти билан танишдик. Шифо масканига кирар экансиз, ўзингизни гўё сиҳатгоҳдагидек тасаввур қиласиз. Янгича қиёфа кашф этган бўлимларнинг замонавий кўри-

залашга қаратилгандир. Дарҳақиқат, мазкур шифо масканига қилган ташрифимиздан мақсад "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан тақдим этилган рақамли рентген аппаратлари (2 дона) ва ультратовуш диагностикаси аппаратлари қай тарзда ишлатилаётганлиги, аҳоли саломатлиги учун унинг афзаллик томонлари билан яқиндан танишиш эди.

Избоскан туман тиббиёт бирлашмасининг шoshiлинич тез ёрдам бўлимига ўрнатилган рақамли Flexavision SF номли рентген аппаратидаги (рентгенография ва рентгеноскопия текширу-

Давоми 4-бетда.



Хизмат сафари давомида Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлганимизда қизиқ воқеага дуч келдик. Андижон шаҳрида яшовчи 35 ёшли Иқболиддин Умрзоқов бел соҳасидаги оғриқни текширтириш учун вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига невропатолог қабулига келди. Мутахассис беморни кўриб рақамли рентген аппаратида (рентгенография-рентгеноскопия) текширувдан ўтишини тавсия қилади. Текширув чо-

ғида Иқболиддиннинг қорнида турган игна яққол кўринди. Иқболиддин 15 ёшида бехосдан игна ютиб юборганлигини айтди, лекин орадан 20 йил ўтган бўлсада, қорин бўшлиғида турган игна уни безовта қилмаган. Текширув натижасига кўра Иқболиддинда остеохондроз борлиги аниқланди. Қарангки, тилсиз нажоткор бўлган рентген аппарати 20 йил давомида инсон танасида яшириниб турган игнани аниқ кўрсата олди.



## ЮРТИМИЗНИНГ ЧЕККА ҲУДУДЛАРИДА РАҚАМЛИ РЕНТГЕН АППАРАТЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

рентген аппаратлари берилди. Ушбу рентген аппаратлари ва дигитайзерлар ишга тушгунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар, вилоятлар соғлиқни сақлаш

зарурий маълумотлар бериб ўтди. Апрель-май ойларида Наманган ва Фарғона вилоятларининг врач-рентгенолог ва лаборант-рентгенологлари ўқитилиши режалаштирилган. Ўқиш жараёнида тренерлар тингловчи-

борасида катта ғамхўрлик кўрсатиб, биз каби тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаб, кенг имкониятлар яратаётган экан, бундай ишончли оқлаш ҳар биримизнинг олдимиздаги муҳим вазифадир.

ускуналар билан таъминланган. Шунингдек, янгича мақомга эга бўлган умумий амалиёт шифокорларининг фаолият бошлаганлиги фақат бемор учун эмас, балки бутун оила аъзоларининг саломатлигига бўлган масъулия-

рилади. Ушбу аппарат рентгенография ва рентгеноскопия амалларини бажаради. Жумладан, бу аппарат буйрак, ошқозон-ичак тизими ва бир қанча тана аъзолари ҳолатини кўра олиш имкониятига эга.



Избоскан туман тиббиёт бирлашмасининг шошилич тез ёрдам бўлими рентген хонаси

бошқармаси бош рентгенологлари, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази қошидаги ўқув базасида таҳсил олдилар. Улар маҳаллий тренинг сифатида жойларда ўқув курсларини олиб бордилар. Ўтган йиллар Андижон

ларга рентген аппаратларида қандай ишлаш, бошқариш, унинг техникаси хусусида назарий билим бериш билан бирга, аппаратнинг ўзида амалиёт олиб бормоқдалар. Кўришиб турибдики, инсон саломатлиги

**Қобилжон ҚОДИРОВ,**  
Андижон вилояти Избоскан туман тиббиёт бирлашмасининг шошилич тез ёрдам бўлими врач-рентгенологи, туман бош рентгенолози:  
– Кейинги йилларда давлати-

тини белгилаб берди. Бирламчи тизим бўйича ягона модуль яратилди. Ишларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини бойитиш, энг сўнгги русумдаги аппа-

Мазкур аппаратлар келтирилиб ўрнатилгунча туманимиздаги врач-рентгенолог ва лаборант-рентгенологлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 421-сонли буйруғига асосан,



Избоскан туман кўп тармоқли марказий поликлиникасидаги рентгенхона

вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги ўқув базасида дигитайзерлар бўйича Андижон, Фарғона, Наманган вилоятининг тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган врач-рентгенолог ҳамда лаборант-рентгенологларни ўқитган эдик. Жорий йилнинг 18 мартдан 2 апрелгача Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ўқув базасида вилоятнинг Избоскан, Бўз, Олтинкўл ва Балиқчи туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги врач-рентгенолог ва лаборант-рентгенологларнинг назарий ва амалий билимларини ўқув курси давомида бойитиб бордик. Машғулотлар бошида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рентгенология бўйича консултанти Александр Ососков иштирок этиб, аппаратда ишлашнинг меъёрий қоидалари бўйича

учун кўп йиллар хизмат қила олиш имкониятига эга бўлган бундай аппаратлардан оқилонга фойдаланишимиз зарур. Бунинг учун фаолият олиб бораётган ҳар бир мутахассис йиллар давомида ўз малакасини ошириб туриши ва ўқиб-ўрганиши муҳим. Шундай экан, бу жараёнда нафақат врач-рентгенолог, балки терапевт, онколог, пульмонолог, педиатр каби мутахассислар рентген аппарати ёрдамида аниқланаётган ташхис жараёнида ҳамкорликда иштирок этсалар мақсадга мувофиқлигини инobatга олган ҳолда, мазкур ўқув базасида уларни ўқитиш ҳам режалаштирилмоқда. Юқорида тилга олиб ўтилган туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида иш бошлаган рақамли рентген аппаратларидан унумли фойдаланиш ва уларнинг техник ҳолатини доимий назорат қилиб боришимиз керак. Юртбошимиз халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш

мизнинг тиббиёт тизимига қаратаётган эътибори боис, соҳанинг ҳар бир йўналиши кенг қамраб олинаётганлиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, бу борада бирламчи тизимдаги самарали ишлар бугунга келиб ўз натижасини бермоқда. Аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиб, касаллик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Кўп йиллик фаолиятим давомида, айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг, соҳада қўлга киритилаётган ютуқларга гувоҳ бўлиб келаяпман. Жумладан, юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли саломатлиги учун яратилаётган кенг имкониятларни Юртбошимиз юритаётган одилонга сиёсатнинг ёрқин ифодаси деб биламан. Айни пайтда мамлакатимиз миқёсида 300 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, барчаси замонавий тиббий асбоб-

ратуралар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунинг исботи сифатида айтмоқчиманки, биз фаолият юритаётган рентгенология йўналишида ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан икки дона, яъни туман тиббиёт бирлашмасининг шошилич тез тиббий ёрдам бўлимига ва туман кўп тармоқли марказий поликлиникасига RADSpeed MF ва FieHAVISION SF номли рақамли рентген аппаратлари келтирилиб, ўрнатилди. FieHAVISION SF номли рақамли рентген аппарати (стационар шароитда) шошилич тез тиббий ёрдам бўлимига жойлаштирилди. Мазкур аппаратлар дигитайзер жамламалари билан биргаликда беморга тезкор, сифатли ташхис қўйишда ниҳоятда қўл келмоқда. Бунда мураккаб жараёнлар ҳам амалга оши-

янгиларда ишлаши учун махсус ўқув курслари ташкил этилиб, улар малакаси оширилди. Шунингдек, 2015 йилнинг 11 мартдан ишга тушган рентген аппарати пойтахтдан келган мутахассислар томонидан программалаштирилиб, фойдаланишга топширилди. Шу жараёнда Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказидаги рентгенологияга ихтисослашган ўқув базасида туманимиздаги 10 нафар врач-рентгенолог ва лаборант-рентгенологлар маҳаллий тренерларимиз томонидан ўқитилди. Тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтмоқчиманки, бундай ноёб, қимматбаҳо аппаратураларда ишлаш соҳа мутахассисидан касбий маҳорат, тажриба ҳамда жиддий ёндашувни талаб этади. Шунинг учун иш жараёнида вақтдан унумли фойдаланган ҳолда аппаратларни кўз қорачигидек асрашимиз зарур.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Давоми 5-бетда.





«Salomatlik-3»  
loyihasi №1  
Проект  
«Здоровье-3»

Пахлавон ЭГАМОВ, Андижон вилояти Избоскан тумани фуқароси:

– 30 ёшга тўлгунимча саломатлигимдан шикоят қилмаган эдим. Шу йили қовуғим соҳасидаги санчиқли оғриқ мени безовта қила бошлади. Ҳамқишлоқларимдан Избоскан туман кўп тармоқли марказий поликлиникасига янги УТД аппарати келганлиги ва унинг ёрдамида касаллик ташхиси аниқ қўйилаётганлигини эшитдим. Сўнгра поликлиниканинг УТД врачлари Қахрамон Эшонқулов қабулида бўлдим. Мутахассис текшириб кўргач,

сийдик йўлида тош борлиги аниқланди. Врач Қахрамон ака уролог бўлганликлари учун бу ташхис бўйича менга чуқур маълумот бериб, операция ёки замонавий лазер йўли билан тошдан халос этиш мумкинлигини тушунтирдилар. Бир зумда касаллигимни аниқлаб берган бундай замонавий аппаратларни вилоятимизнинг чекка ҳудудигача етказган саломатлик посбонларига чин кўнгилдан раҳмат айтаман.

# КАСБИЙ БИЛИМ ВА МАСЪУЛИЯТ

**Азизбек ХОЛИҚОВ,**  
Андижон вилояти Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси шошилич тез тиббий ёрдам бўлими лаборант-рентгенологи:

– Бўлимимизга жорий йилнинг март ойидан бошлаб Flexavision SF номли рақамли рентген аппарати ўрнатилиб, ишга туширилди. Ушбу аппаратнинг афзаллик жиҳатлари жуда кўп. Айниқса, унинг тезкорлиги, сифатлиги ҳамда бошқарув пультадаги имкониятлари кенг. Шу ўринда айтишим муҳимки, рентгенолог-врачнинг вазифаси билан мен амалга оширадиган вазифалар

дай аппаратлар ишлатилишини эшитиб, ҳавасимиз келар эди. Сўнги йилларда пойтахтимиз клиникаларига ҳам замонавий асбоб-ускуналарнинг кириб келиши халқимизга кўрсатилган тиббий хизмат сифати ошаётганлигидан далолат бермоқда. Бахтни қарангки, биз орзу қилган ана шундай ноёб аппаратлар юртимизнинг чекка ҳудудларига ҳам етиб келди. Бундан хабар топган фуқароларимиз сони кундан-кунга ошиб, саломатликларига бўлган эътиборлари кучайиб, қабулимизга келмоқдалар. Шу ўринда айтиш жоизки, бу каби ноёб аппаратда ишлаш соҳа мутахассисидан касбий маҳорат,

вазифаси доирасида белгиланган меъёрий талабларга амал қилиши керак. Чунки, ортикча нур ҳам бевосита инсон саломатлигига таъсир қилиши табиий. Шундай экан, рентген хонасининг санитария, техник ва намлик ҳолатларини ҳар томонлама назоратга олиб туриш лозим. Чунки, ушбу хонада намлик ҳолати бўлмаслиги керак. Шунинг учун хона ҳарорати ўз меъёрида бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу билан демокчиманки, мазкур ноёб аппаратдан оқилона фойдаланишимиз ҳамда кўп йилларга хизмат қиладиган даражада асрашимиз зарур.



Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази



Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қошидаги ўқув маркази



барчасини ўтирган жойимизда бажаряпмиз. Шу ўринда, рентгенологлар меҳнати ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, кенг имкониятлар яратиб бераётган барча мутасадди раҳбарларга раҳмат айтиб қоламан.

**Қахрамон ЭШОНҚУЛОВ,**  
Андижон вилояти Избоскан туман кўп тармоқли марказий поликлиника УТД шифокори:

– Мана икки йилдирки, туманимиз аҳолисига хизмат қиладиган янги русумдаги УТД аппаратининг афзалликлари текширув натижаларини сифатли чиқаришда ниҳоятда қўл келмоқда. Шунингдек, унинг монитор ҳажми кенглиги ҳамда рангли тасвир касаллик тарихини яққол ва сифатли кўрсатади. Ушбу аппаратда деярли барча касалликлар текширувдан ўтказилади. Шу билан бирга, болалардаги буқоқ, мия соҳасидаги ўзгаришлар, умумий ички органлардаги аъзоларни кўриш имконияти ҳам катта.

фарқ қилади. Чунки текширувга кирган беморни тасвирга тайёрлаш, плёнкаларни тўғри жойлаштириш, тасвири дигитайзер орқали врачга узатиш, албатта, лаборант-рентгенологдан катта масъулият талаб этади. Янги аппаратларда мукамал ишлай олишимиз учун Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ўқув базасида назарий ва амалий билимларимни ошириб қайтдим. Авваллари қоронғи рентгенхоналарда ишлаш, сувли плёнкаларни қўлга олиш соғлигимизга жиддий таъсир этар эди. Янги аппаратларда иш бошлаганимиздан буён ёруғ хоналарда ҳамда янги технология орқали (дигитайзер) текширув натижаларини узатиш вақтни тежаши билан бирга, беморга қўйиладиган ташхис тўғри ва сифатли чиқариб берилишини таъминлайди. Бундай катта имкониятлардан мамнунмиз.

**Муяссар БАКИРОВА,**  
Андижон вилояти Избоскан туман кўп тармоқли марказий поликлиника врач-рентгенологи:

– Поликлиникамизга "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан RADSPEED MF номли рақамли рентген аппарати (амбулатор) берилди. Мазкур аппарат фақат рентгенографияга асосланган бўлиб, бир кунда 18-20 нафар бемор текширувдан ўтказилмоқда. Мазкур соҳада тўққиз йилдан буён фаолият юритиб келмоқдаман. Авваллари хорижий давлатларда бун-

тезкорлик ва ҳушёрлик талаб этади. Шу билан бирга, ушбу йўналишда фаолият юритишнинг жиддий томонлари ҳам йўқ эмас. Бежизга рентген хоналарида хавфсизлик ҳолатлари таъмин этилмайди. Сабаби текширувга келганлар, қолаверса мутахассислар, ҳатто рентгенхона

**Дилмурод МЕҲМОНОВ,**  
Андижон вилояти Избоскан туман кўп тармоқли марказий поликлиника лаборант-рентгенологи:

– Юртимизда ёш мутахассисларнинг фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Айниқса, замонавий би-

